



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***

к договору (контракту) от 26.01.2022 г. № 00096

между АО "Тошвилсувокава" Ангрен ф-ли и Тошкент вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази на общую сумму 8996535,00

Глава \_\_\_\_\_ 344  
Казначейский лицевой счёт \_\_\_\_\_ 100021860274077109405344001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4224000			
Январь	5 999 235,00			5 999 235,00
Февраль	1 498 650,00			1 498 650,00
Март	1 498 650,00			1 498 650,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>8 996 535,00</b>			<b>8 996 535,00</b>

Всего 8996535,00 сум

Восемь миллионов девятьсот девяносто шесть тысяч пятьсот тридцать пять сум 00 тийин  
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы \_\_\_\_\_ сум или \_\_\_\_\_% \*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес. 20\_\_ г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный 100%, от указанной выше суммы который необходимо оплатить до 30 числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



(подпись)

Шаниязова Гавхар Сафаровна  
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Аманова София Абдукадировна  
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения \_\_\_\_\_

(подпись)

Получил работник заказчика \_\_\_\_\_

(подпись)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

00096

-сонли шартнома

Истеъмолчиларга ичимлик ва оқава суви хизматларини кўрсатиш учун

Ангрен шаҳар

«26» Интабри 2022 й.

Ушбу шартнома "Тошкент сув таъминоти" МЧЖ, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи

Норматоа Ш.Д.

(Ф.И.Ш.)

шаҳсида, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи ТЗМБШРММ.  
Устаб асосида иш олиб борувчи директор Г.С. Шаниязова

(Ф.И.Ш., лавозими)

иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида тузилди:

## I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари ва II гуруҳ истеъмолчилари учун сув етказиш 1545 нарх бўйича 5823 м<sup>3</sup> ни:

1 м<sup>3</sup> сув учун сўм (+КҚС 15%), + сўм (махсус устама ҳақ) ни ташкил қилмоқда

1 м<sup>3</sup> оқава сувоқлик учун 1495 сўм (+КҚС 15%) + 50 сўм (махсус устама ҳақ)

Шу тариха шартноманинг умумий киймати 8996535 сўмни ташкил қилди.

Шу жумладан, бюджет маблағларидан 8996535 сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан сўм, бюджетдан ташқари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

Бюджет ташкилотлари II гуруҳ истеъмолчилари томонидан тўлов мунтазам (ойма-ой) тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Газначилиги орқали сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни О'зДSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартга мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф кийматида (КҚС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтиради.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичида "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари"га (кейинчалик матнда - Қоидалар деб юритилади) ва Тошкент вилояти Ҳокимининг 2019 йил 13 мартдаги № 200-сонли қарорига, унга мувофиқ тарифга, 1 м<sup>3</sup> сув учун ва канализация хизматларига ҳам 1 м<sup>3</sup> 50 сўмдан махсус устама ҳақ жорий этилган ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва оқава сув чиқариш тизимига уланиш учун рухсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидаги барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларининг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, қаластр нусхасини тақдим қилади, "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилдаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

## II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ховлилар, йўлакчаларига ўрнатилган вақтдан ташқари сув сеппиш, ҳамда, ичимлик суви билан автомашиналарни ювиш учун фойдаланиш қатъиян ман этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнгиинларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган. "Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилди.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармоқларидан сув олиб, оқава сувларини "Истеъмолчининг" канализацион тармоқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Қоидаларга" мувофиқ тузилди.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ағетлиги томонидан текширилган ва тамғаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамғаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасининг ечиш, қислашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги № -698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва "Истеъмолчи" билан келишилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг уланиши Истеъмолчи томонидан фақат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Истеъмолчининг" сўровномаи асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилди. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Истеъмолчи" буюртмасига асосан, амалдаги меъ-ёр, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган уламаларининг ишга туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва қурилуш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият чегараси (сув ва оқава тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида қуйидагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш тармоғининг киритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир;

б) оқава тизими учун магистрал оқава тизимига уланиш нуктасидаги сув чиқариш қудуғи бўлиб, у "Истеъмолчи"нинг ички оқава тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш оқава қудуғи магистрал оқава тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган қудуқ сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса "Истеъмолчи"нинг қучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

### III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи"дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз а оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига хавф тугдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;
- б) "Истеъмолчи" ҳисобидан ҳисоблаш қурилмасини ўрнатиш;
- в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун "Таъминотчи"дан қонунийликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;
- г) "Таъминотчи"ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлик амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;
- д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларини йўқитиш ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили орқали) бепул олиш;
- е) "Таъминотчи"дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;
- ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;
- ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

#### 3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартнома шартларини бажариш;
- б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда кўриқланишини, уларга сув топиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймастик, қудук қопқоқларини қор ва муздан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуқлардан юза оқаваси мавжудлигини таъминлаш, ённинг қарши гидрантларга ўтиш йўллари беркитмаслик, кўрсатилган ённинг қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;
- в) "Истеъмолчи" ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устига турли буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилмаслигини, шу жумладан, ташки (кўча ва квартал ичидаги) сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилишига йўл қўймастик;
- г) коммунал сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан "Таъминотчи"ни хабардор қилиш;
- д) сувни ҳисобга олиш приборларида яққол кўришиб турган носозликлар, шунингдек тамган бутлигига шикаст етган ёки узил ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ённинг қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали "Таъминотчи"га хабар бериш;
- е) "Таъминотчи" билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни "Таъминотчи"га жорий ойнинг охири кунидан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;
- ё) шартномада белгиланган миқдордан ортик ҳажмда сувнинг ортик сарф қилинишига ва оқова сувларининг метёрдан ортик чиқарилишига йўл қўймастик;
- ж) "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова ҳўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;
- и) "Таъминотчи"га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва оқова тармоқлари, қурилма ва мосламаларини мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;
- й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини метёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;
- к) оқова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;
- л) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва оқова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни қўймастик;
- м) жамоат сув ва канализация тизимларини объектларига шикаст зарар етказган "Истеъмолчи" дарҳол "Таъминотчи"га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун "Таъминотчи" техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳуда сарф қилинган сув нарҳини тўлаш шарт.

#### 3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи" қуйидаги ҳолларда, истеъмолчини 7 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлик ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга:
- б) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларининг техник ҳолати қониқарсиз ҳолатда бўлса ва "Истеъмолчи" техник фойдаланиш қондаларини бузиш натижаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига кўра бартараф этмаса;
- в) "Таъминотчи"нинг вакили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамга ўрнатишга ва бошқа ишларда "Истеъмолчи" томонидан асоссиз ҳалақат берилган тақдирда;
- г) "Таъминотчи" томонидан режали олдини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларида ишлар бажарилишида "Истеъмолчи" уларга уланган бўлса, ва янги "Истеъмолчи"ларни улаш учун ишларни ўтказишда;
- д) "Истеъмолчи"нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аниқланганда;
- е) "Истеъмолчи" ўрнатилган муддатларда тўлов ҳўжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;
- ё) "Таъминотчи"нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг "Истеъмолчи" тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини берганда;
- ж) "Истеъмолчи"лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;
- з) энергия таъминоти тўхтатилганда;
- и) табиий офатларда;
- й) аварияларда;
- к) ёнгин чиққан ерларга сув етказиш ҳажмини ошириш зарурияти туғилганда.

#### 3.4. "Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:

- а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;
- б) сув етказилишини узлуксиз ёки тасдиқланган сув бериш жадвали асосида таъминлаш;
- в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол объектлари ва қурилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргалликда "Истеъмолчи"лар сувидан оқилна фойдаланиш ва сувдан оқилна фойдаланишни аниқлаш, сувни етказиб бериш ва истеъмол қилишни қатъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, санаотга мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишни назорат қилиш;
- г) "Истеъмолчи"ларга индивидуал ҳисоблаш қурилмаларини ўз ҳисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

- “Истеъмолчи”лар сув қувур хўжалигининг текширишни (индивидуал ҳисоблаш қурилмасининг яхши ишлаётганлигини текширган, таъминотни назорат кўрсаткичларини олган ва тамгаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўни билан бир марта ўтказиши ва мувофиқ далолатномаларни тузиши;
- е) “Истеъмолчи”га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириши;
- ё) сув таъминоти ва истеъмолига оид меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида “Истеъмолчи”ларни хабардор қилиши;
- ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериши;
- з) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани “Истеъмолчи”га бепул бериши;

## VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

- 4.1. “Таъминотчи” ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.
- 4.2. Истеъмолчи қуйидагилар учун жавобгардир:
- а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамгалар, айланмиш чизиғи жўмрағи, гидрантлар ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг униги худудида ва тасарруфда бўлган тамгаларнинг ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;
- б) сув тармоқларига ўз бошимча улашиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг қасддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолда ўзгартириши ҳолатлари учун;
- в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда;
- г) ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;
- д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса “Истеъмолчи” худудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларининг тушишига йўл қўймастик. Ушбу қондабузарлик аниқланганда “Таъминотчи” ходими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома “Истеъмолчи”нинг масъулият ва жавобгарлик ҳорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.
- 4.3 “Таъминотчи” қуйидаги ҳолларда жавобгардир:
- а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;
- б) “Истеъмолчи”ларга сув таъминотида улашиб олиш ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;
- в) “Истеъмолчи”нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;
- г) шартнома шартлари ва юқлатилган мажбуриятларни бажармаслик;
- д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

## V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

- 5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚКСНи ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.
- 5.2. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдорига тенг. Марказлашган ҳолда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи совуқ сув миқдорига 2.0 коэффициентни қўлланилади. “Истеъмолчи”нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими “Истеъмолчи”нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим. Ушбу ҳолат аниқланган тақдирда, ҳисоб-китоб шартноманинг 6.3 бандига асосан амалга оширилади.

## VI. Алоҳида шартлар

- 6.1. Объект эгаси ўзгарганда, “Истеъмолчи” бутун дебиторлик қарздорлигини сўнгдириши ва “Таъминотчи” билан чиқиб кетишдан камидан 7 кун олдин далолатномани тузиш ва имзолаши зарур, “Истеъмолчи” чиқиб кетганидан сўнг, тамгалар ва ҳисоблаш қурилмаларининг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юқлатилади.
- 6.2. “Истеъмолчи”нинг сув узатиш-оқова хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан “Истеъмолчи”нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.
- 6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: М – 0.60га тенг бўлган зулфиш орқали сув сарфи коэффициентини;

F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)м<sup>2</sup>;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда;

### Қуйидаги ҳолатларда:

- 6.3.1. “Истеъмолчи”да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);
- 6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси “Таъминотчи”да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;
- 6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилганда, автомашиналар ювилганда;
- 6.3.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, пломбалари узилган бўлса сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6 қисмининг 6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб (рўйхатдан ўтказилган)кунгача ҳисобланади;
- Сувни ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойидаги ўрғача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори I гуруҳ истеъмолчилари учун — ушбу Қондалар 87-бандининг «а» қисми банди бўйича, II ва III гуруҳ истеъмолчилари учун ушбу Қондалар 87-бандининг «б» қисми банди бўйича ҳисоб-китоб қилиниши;
- 6.3.5. “Истеъмолчи”нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув исроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;
- 6.3.6. “Таъминотчи”нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алиштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;
- 6.3.7. Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя қопламига руҳсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;
- 6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнғиндан сақланиш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан улашиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, “Таъминотчи” томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан улашиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва “Таъминотчи”га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:
- тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан улашиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан улашиб олиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

-ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балансадаги тармоқлари этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарар. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқ бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугаган буюртмачи (объектни лойihalаштириш ва қурилиш бўлими учун) лойиха муддатини чўздирishi ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва оқава сувни чиқариб юбориш тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу қабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқава сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банklar орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4 % пеня ёзади ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.8. "Истеъмолчи" ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг қирим қасаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % миқдоридан олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўшилади. Агар "Истеъмолчи" икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширмаса, "Таъминотчи" ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ёки оқава сувларини чиқариб юборишни ундирмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда ёнгиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ "Истеъмолчи" зиммасига юкатилади. Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдорда тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

Канализация тизимига руҳсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган ишлаб чиқариш оқава сувларини "Истеъмолчи" лар томонидан ташлаш тартиби. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунда қабул қилинган II сонли қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқариш оқава сувларини қабул қилиш қондалари" ҳамда инфлоелантирувчи молдаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун "Истеъмолчи"ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" га ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи"ни тўлов ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

### VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ судлар томонидан кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

### VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музқур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

### IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2 Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

#### «ТАЪМИНОТЧИ»

«Тошкент сув таъминоти» МЧЖ

Ангрэн бўлими

Манзил: Обод Турмуш 43

Тел:

х-р: 2263 8000 9001 01498429

Банк: Ипотека Чирчик филиали

Банк коди: 00478 СТИР: 201577953

ХХТУТ:

#### «ИСТЕЪМОЛЧИ»

Манзил:	TOSHKENT VILOYATI NOGIRONLIGI BO'LGAN AKRNI REABILITATSIYA QILISH VA PROTEZLASH MARKAZI
Тел:	Toshkent viloyati, Angren shahar, Ohangaron ko'chasi Telephone: 70-663-14-25
га/х-р:	SH/x raqam: 100021860274077109405054001
Банк:	Toshken sh. Markaziy bank XKKM
Банк коди:	MFO: 00014 СТИР: 02334645 ОКОНУ: 91700
ХХТУТ:	Toshkent viloyati Angren shahar g'aznachilik bo'linmasi x/r: 23402000300100001010
Шахсий рақам:	Toshken sh. Markaziy bank XKKM
Шахсий х-р:	MFO: 00014 INN: 201122919

Банк:

Банк коди: СТИР:



Юридик ҳулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектларнинг ички қарбдорлик ва қарбдорликнинг тартиб-таъминоти" қонунлари билан мувофиқ тузилган

Ҳуқуқшунос

« » 201 й.

Юристик: [Signature]